

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАСРУЛЛОЕВА НАСИБА САДУЛЛОЕВНА**

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ  
ЖАРГОНЛАРИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2021**

УДК: 811.512.133-115:004.738.5  
811.111-115:004.738.5

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Насруллоева Насиба Садуллоевна**

Ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг  
чоғиштирма тадқиқи ..... 3

**Насруллоева Насиба Садуллоевна**

Сопоставительное исследование компьютерных и интернет жаргонов в  
узбекских и английских языках ..... 27

**Nasrulloeva Nasiba Saullayevna**

Comparative investigation of computer and internet jargons in the Uzbek and  
English languages ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАСРУЛЛОЕВА НАСИБА САДУЛЛОЕВНА**

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ  
ЖАРГОНЛАРИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil600 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Тешабасва Дилфуза Муминовна**  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Ризаев Баҳодир Ҳайдарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Қдырбаева Гулзира Курбанбаевна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "29" *Октябрь* соат 10 даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (99866) 238-29-37; факс (99878) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (60394 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93. Тел.: (99866) 238-29-37, факс: (99878) 210-00-18.)

Диссертация автореферати 2021 йил "16" *Октябрь* кuni тарқатилди.  
(2021 йил "16" *Октябрь* даги № 33 рақамли реестр баённомаси).



**И.М.Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ш.С.Ашуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
филология фанлари номзоди, доцент

**Ш.С.Сафаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши бу соҳага оид янгидан-янги тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу аснода ушбу тушунчаларнинг тил лексик тизимидан ўрин олишини тартибга солиш, уларни таржима қилиш масалалари тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, соҳавий терминларни ўрганишда, шубҳасиз терминологик тизимнинг шаклланиши, тараққий этиши, шунингдек, терминларнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Компьютер ва интернет терминологиясини ўрганиш зарурати глобал тармоқнинг жаҳон мамлакатлари, турли халқлар ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ва унинг амалий аҳамияти билан асосланар экан, терминлар замирида яратилаётган ҳамда шаклланаётган жаргонларнинг ушбу соҳа терминологияси таркибида фаоллашув кўламини аниқлаш долзарб муаммолардан бири саналади.

Дунё тилшунослигида сўнгги йилларда компьютер ва бутун жаҳон интернет тармоғида жаргонизация ҳодисаси тадқиқига бағишланган кўпгина изланишлар пайдо бўлди. Жумладан, Россия, Германия, Хиндистон, АҚШ, Буюк Британия ва Малайзия сингари мамлакатларда компьютер ва интернет жаргонлари соҳавий лексика таркибида қаралиб, уларни ясашиш усулларини янада такомиллаштириш, соҳавий жаргонларда миллий-маданий хусусиятларни сақлаб қолиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда чет тиллари ва чет эл адабиётини ўрганиш халқаро алоқаларни кенгайтириш ва ўзбек маданий моделини бошқа мамлакатларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак”<sup>1</sup>. Ўзбек тилида компьютер ва интернет жаргонларини шаклланишини илмий изланишлар орқали баҳолашда бу соҳа жаргонларини инглиз тили билан қиёсий ўрганиш, ҳар икки тил жаргонларига хос умумий ва фарқли миллий жиҳатларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Компьютер ва интернет жаргонлари тил бирикмаларининг лексик базаси асосини ташкил қилиш билан бирга, икки мамлакатнинг ижтимоий-маданий фарқларини акс эттиради.

Маълумки, мамлакатимизда компьютер ва интернет соҳасининг тараққиёти ушбу тизимнинг бугунги ҳолати билан боғлиқ. Шунинг учун жамиятнинг замонавий тараққиёт босқичида, бир томондан, хорижий тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотадиган ва бошқа томондан эса, Ўзбекистон учун амалий қизиқиш касб этадиган масалаларга эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 28.12.2018y. <http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инглиз ва ўзбек тилшунослигида терминлар ва уларнинг шаклланиши, лингвистик хусусиятларига бағишланган ишлар М.Вакер, S.I.Landau, N.S.Dash, Д.С.Лотте, А.А.Реформатский, Л.С.Бархударов, В.Н.Даниленко, В.А.Ступин, А.Ҳожиёв, С.Усмонов, Р.Дониёров, А.Н.Усмонов, Н.Қосимов, Х.Дадабоев, Х.Палуанова, О.Ахмедов, А. Мадвалиев<sup>2</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

---

<sup>2</sup>Felber H. Terminology Manual. – Paris: Presses universitaires de France, 1984. – 426 p.; Rey A. La Terminologie: Noms et notions. – Paris: Presses universitaires de France, 1979. – 127 p.; Лотте Д.С. Очередные задачи технической терминологии. Т. 1. – Москва: Московский Лицей, 1994. – 407 с.; Виноградов В.В. Лексикология и лексикография. – Москва: Наука, 1977. – 310 с.; Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. – Москва, 1961. – 536 с.; Даниленко В.П. Лингвистические требования к стандартизируемой терминологии. – Москва: Наука, 1972.; Лейчик В.М. Терминоведение: Предмет, методы, структура. – Москва: КомКнига, 2006. – 256 с.; Гринев С.В. Введение в терминографию. 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: МПУ, 1995. – 161 с.; Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии: (как работать над терминологическим словарем). – Ленинград, 1968.– 69 с.; PichtH. Modern approaches to Terminological Theories and Applications. – PeterLang, 2006. – 434 p.; PichtH. Reflexions on Training in Terminology in the 1980s. In Nedobity, Wolfgang (ed.) Terminologies for the Eighties (Infoterm series 7). –Munich: K.G. Saur, – P. 172– 185.; Nida Eu. Taber Ch. The Theory and Practice of Translation, 1982. – 218 p.; Juan C. Sager. Practical course in Terminology Processing / UMIST – 1990; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Фал. фан. док. ... диссер. – Тошкент, 1988; Усмонов А.Н. Ўзбек тилида термин ясовчи фаол аффикслар – Тошкент, 1991;Қосимов Н. Функциональные особенности аффиксов в узбекской технической терминологии. Автореф. диссер. ...канд. филол. наук. –Тошкент, 1979; Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 23–25.; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари. Фал. фан. док. ...диссер. автореф. – Тошкент,

Жаҳон тилшунослигида жаргонлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар қаторига Дж.К.Хоттен, Э.Х.Партридж, Р.Спирс, Л.Соудек, Н.А.Джеус, Л.Андерсон, П.Труджил, И.Р.Гальперин, В.И.Арнольд, В.А.Хомяков, К.Эбл, А.Ю.Романов, Е.Е.Матюшенко, Е.М.Казачкова, С.Гойдова, Н.С. Иванова<sup>3</sup> каби олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида ҳам жаргон, сленг, арголар борасида қатор ишлар амалга оширилган. Ғ.Ҳ.Раҳимовнинг “Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари” номли ва Д.Н.Сатимованинг “Инглиз ва ўзбек ёшлар сленгининг қиёсий таҳлили”<sup>4</sup> номли диссертацияси бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, Ш.Шаҳобиддинова, М.Асқарова, Х.Жамолхонов, М.Миртожиев, У.Турсунов, Ў.Юсупов, Ш. Юлдашева<sup>5</sup> ва бошқа тилшуносларнинг ишларида ҳам ушбу муаммо ёритилган.

Компьютер жаргонларининг лингвистик хусусиятлари юзасидан ҳам айрим тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, баъзи тилшунослар компьютер жаргонларининг лингвистик жиҳатларини бир тил доирасида ўрганган бўлса<sup>6</sup>, бошқалари эса мазкур мавзунинг тиллараро аспектда тадқиқ қилган<sup>7</sup>.

Шунингдек, ўзбек тадқиқотчилари томонидан АКТ терминологияси бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Д.Қодирбекова инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятларини тадқиқ қилган<sup>8</sup>.

---

2016; Аҳмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Фал. фан. док. ... диссер. Автореф. – Тошкент, 2016; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017. – Б. 382.

<sup>3</sup>Hotten J.C. A Dictionary of Modern Slang, Vulgar words, Used at the Present Day in the streets of London. – London: Picadilly, 1860; Partridge E. Slang Today and Yesterday. – London: Routledge & Kegan Paul LTD, 1954; Spears R.A. Slang and Euphemism. – New York: Jonathan David Publishers, Inc. Middle Village, 1981; Soudek L. Structure of Substandard Words in British and American English. – Bratislava: Vydavatel'stvo SAV, 1967; Andersson L., Trudgill P. Bad Language. – USA: Penguin books, 1990; Маковский М.М. Английские социальные диалекты. Онтология, структура, этимология. – Москва: Высшая школа, 1982; Гойдова С. Молодежный жаргон в системе современного русского национального (общенародного) языка. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2004; Иванова Н.С. Молодежный жаргон в лингвокультурологическом освещении. Дисс... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2007.

<sup>4</sup>Раҳимов Ғ.Ҳ. Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари: Филол. фан. ном...дисс. – Самарқанд, 2006; Сатимова Д.Н. Инглиз ва ўзбек ёшлар сленгининг қиёсий таҳлили. Филол.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер.автореф. – Андижон, 2020.

<sup>5</sup>Шаҳобиддинова Ш. Жиноятчилар сленги ҳақида қарашлар // Филологиянинг долзарб муаммолари. “ПЗ-20170926286. Ўзбек суд амалий лингвистикаси тадқиқи” лойиҳаси доирасида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2019; Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989; Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Ўқув кўланма. – Тошкент: ЎЗМУ, 2000; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Юлдашева Ш. Ёшлар нутқида сленглар вужудга келишининг психологик сабаблари // Лисон илмининг чин яловбардори. Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. Илмий конференция материаллари. – Бухоро, 2017.

<sup>6</sup>Иванников Е.Б. Функции филологических терминов в интернет-жаргоне // Филологические науки. Вестник Череповецкого государственного университета, - №2.2016. – С.62 – 64.

<sup>7</sup>Смирнов Ф.О. Национально - культурные особенности электронной коммуникации на английском и русском языках. Дисс. ...канд.филол.наук. – Ярославль, 2004.– 200 с.

<sup>8</sup>Қодирбекова Д. Инглизча - ўзбекча ахборот – коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Фил.фанлари бўйича фалс доктори. ...диссер. – Тошкент, 2017. – 155 б.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг чоғиштира тадқиқини амалга ошириш, ўзбек тилига интернет терминларининг ўзлаштирилиш хусусиятларини очиб бериш каби масалалар Д.Саидқодированинг тадқиқотида ўз аксини топган<sup>9</sup>.

Компьютер ва интернет жаргонларининг тадқиқига бағишланган ишларда жаргонлар шаклланишининг лисоний ва нолисоний омиллари, уларнинг ясаиш хусусиятлари, геймер сленги каби масалалар ёритилган<sup>10</sup>.

Лекин шу кунга қадар турли тизимли (инглиз ва ўзбек) тилларда компьютер ва интернет жаргонлари чоғиштира аспектда тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-2015-1-22 “Хорижий тиллар бўйича мультимедиа ахборот технологиялар базасини такомиллаштиришга оид дастур ва ўқув-услубий материаллар яратиш ва нашр этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва инглиз тилларидаги компьютер ва интернет жаргонларини чоғиштира аспектда очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг мавзуга оид гуруҳларини ҳамда ясаиш усулларини очиб бериш;

ўзбек тилида компьютер ва интернет жаргонларининг ўзлаштира катламини ва номинатив функциясини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг икки тилли таржима луғатини яратиш тамойилларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ва инглиз тилларидаги компьютер ва интернет жаргонлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг ясаиш, лексик, семантик, номинатив ва метафорик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, қиёсий ва мантикий умумлаштириш, компонент таҳлили ҳамда маданиятлараро чоғиштириш-усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

---

<sup>9</sup>Саидқодирова Д.С. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. Фил.фанлари бўйича фалс доктори ...дисс. – Тошкент, 2017.– 154 б.

<sup>10</sup> Лушникова Екатерина Владимировна. Экстра-интралингвистические факторы формирования компьютерного жаргона (На материале русского, английского и французского языков). Дис. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2003 – 169 с.; Горшков П.А. Сленг хакеров и геймеров в интернете. Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006; Барт М.В. Словообразовательные модели современного компьютерного жаргона. Дис. ... канд. филол. наук. – Курск, 2010; Русакова Е.Б. Русский компьютерный социолект. Дис. ... канд. филол. наук. – Калининград, 2007.



Ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг содда, кўшма, жуфт, қисқартма, икки ёки бир нечта узвли каби формал-структур белгиларини ажратиш орқали ҳар икки тил деривацион структурасидаги рақамлар иштироки, аффиксация, конверсия, оддий ўзак, ўзлаштириш, аббревиация, контаминация ва сўз кўшиш усулларининг самарадорлиги қиёсий-типологик ва структуравий методлар орқали далилланган;

Ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг ўзлашма қатламида қисман ўзлаштирилган, деярли тўлиқ ўзлаштирилган ва тўлиқ ўзлаштирилган жиҳатларини аниқлаш орқали, ўзбек тилида компьютер жаргонларининг кўп қисмини рус тилига хос ўзлашмалар ташкил қилиши асосланган;

Ўзбек ва инглиз тилларида профессионал компьютер ва интернет жаргонларининг ясалиши тил вакилларининг миллий-маданий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари билан боғлиқлиги исботланган;

компьютер ва интернет жаргонларининг пайдо бўлишида сўз ясовчи воситаларнинг иккиламчи номинация маҳсули сифатида метафоризация ҳодисасининг номинатив функциясини бажариши билиш фаолияти ва семантик-мотивацион белгиларнинг ўзаро нисбийлиги асосида юзага келиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

компьютер ва интернет жаргонларини тартибга солиш бўйича берилган амалий таклиф ва тавсиялар соҳа терминшунослигини ривожлантиришга хизмат қилиши асосланган;

компьютер ва интернет жаргонларининг лингвистик хусусиятларини ривожлантириш ва чоғиштира терминологик тамойилларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тилшунослиқда касбий жаргонлар учун миллий тилларда муқобил вариантларни ҳосил қилиш, терминлар тараққиётининг омиллари каби масалаларни ёритишда илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

мутахассислар ва талабалар учун “Инглизча–ўзбекча компьютер ва интернет жаргонлари луғати” яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва таҳлил усулларининг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсифларнинг амалиётда жорий қилинганлиги, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти компьютер ва интернет жаргонларининг лексик фондаги ўрни, аниқланганлиги, лексикология, таржимашунослик соҳаларининг тадқиқот кўламини бойитгани ҳамда бошқа терминологияга оид тизимларнинг лингвистик хусусиятларини ёритишда манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосаларнинг соҳавий терминология, луғатшунослик ҳамда халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилши, олий ўқув юртларида луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш, турли методик тавсияномалар тузиш ҳамда мутахассислар тайёрлашдаги ўрни билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг шаклланиши, деривацион ва лексикографик хусусиятларини очиб бериш бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларига оид материаллар тадқиқоти жараёнида аниқланган компьютер ва интернет жаргонларининг лексик фонддаги ўрни, лексикология, таржимашунослик соҳаларининг тадқиқот қўламини бойитишига оид хулосалардан Самарқанд чет тиллар институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2015-2017 йилларга мўлжалланган “Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури 561624 EPP-1-2015-1-UK-EPPKA 2CBHESP IMER: “Internationalization and Modernization of Education and Processes in the higher Education of Uzbekistan” номли лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-769-сон маълумотномаси). Натижалар соҳавий терминология ва луғатшунослик ҳамда халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга ёрдам берган;

компьютер ва интернет соҳаларида кечаётган жараёнларни, уларнинг ривожланиши ҳақидаги билимларни такомиллаштиришга оид хулосалардан 2017-2018 йилларда мўлжалланган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган БА-А5-033 рақамли “Даволаш профилактика муассасаларида маълумотларга ишлов бериш ва фаолият мониторинги автоматлашган тизимни яратиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-769-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳада қўлланилган термин ва қисқартмаларни ёритиш, аниқлаштириш ва қайта шифрлашда, шунингдек, илмий соҳанинг асосий термин ва таърифларини келтириш амалиёти такомиллаштирилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги компьютер ва интернет жаргонларининг ясалиш хусусиятлари, терминологияга оид тизимда жаргонларни шакллантириш тамойилларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган хулосалардан 2018 -2019 йилларда бажарилиши мўлжалланган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган ЁБВ-Фтех-2018-138 рақамли “Булутли ҳисоблаш технологияси базасида ахборот таҳлил тизимини лойиҳалашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш” номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-769-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳада қўлланилган илмий соҳанинг асосий

термин ва таърифларини аниқлаштириш ва қайта шифрлаш, шунингдек, соҳавий қисқартмаларни ёритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

компьютер ва интернет жаргонлари бўйича таҳлил қилинган материаллар асосида яратилган УДК 681.3(038). ББК 73+81.2 “Инглизча-русча-ўзбекча компьютер ва интернет термин ва жаргонлари луғати”дан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчилари учун “Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)” таълим йўналиши 3.1. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулини ўқитиш модули ҳамда 3.5. Технологияга асосланган тил ўқитиш модуллари бўйича ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуаларини тузишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-769-сон маълумотномаси). Натижада, модулларни ўқитишнинг имкониятлари янада кенгайиб, тил назариясининг тил амалиётига интеграциялашуви, амалий лингвистика доирасида ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш йўллари ўз ечимини топган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари илмий маърузалар кўринишида 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Компьютер ва интернет жаргонлари лингвистик тадқиқот объекти сифатида”** деб номланувчи биринчи бобида компьютер ва интернет терминлари хусусиятлари, махсус касбий (профессионал) тил, жаргонлар – тилнинг профессионал ва миллий тил турлари ёритилган.

Компьютер ва интернет технологияларининг тараққиёти, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа соҳаларнинг ривожланиши каби тилда янги лексик бирликларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади. М.М.Бахтин айтганидек, “одамларнинг барча соҳалардаги фаолияти тилдан фойдаланиш билан боғлиқ”<sup>11</sup>, компьютер ва интернет соҳаси ҳам бундан истисно эмас, албатта.

Диссертацияда тилшунос олимлар ва соҳа мутахассисларининг терминология, термин ва компьютер, интернет терминлари ҳақидаги назарий қарашлари таҳлилга тортилди. Ж.Сагер “терминология” тушунчасига хос асосий учта белгини тилга олади: а) фаолият: терминларни тўплаш, тавсифлаш, стандартлаштириш, тақдим этиш ва тарқалиш жараёни; б) назария: тушунча ва термин орасидаги боғлиқликни тавсифлаб ўрганувчи фаразлар, усуллар ва натижалар; с) луғат (лексикон): махсус соҳа (тушунчаларининг) луғати<sup>12</sup>. Компьютер ва интернет терминлари хусусиятлари борасида И.Л.Комлеванинг<sup>13</sup> фикрига таянган бўлсак, интернет терминларини хусусиятларини ёритишда Д.С.Саидқодирова ва А.Г. Ходакова<sup>14</sup> томонидан интернет терминларига берилган таърифлар асос қилиб олинган.

Компьютер терминшунослиги махсус (компьютер) лексикасининг бир қисмидир. И.Л.Комлева ушбу сўз бирикмасини “компьютер тили” деб атайди, яъни бу таъриф билан “мавзу соҳасида шаклланган, технологик жиҳатдан шахсий компьютерлар ва улар учун дастурий таъминотини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган махсус тил”<sup>15</sup> сифатида эътироф этади. Ушбу марказий тушунчанинг атрофида шаклланувчи тил “компьютер” тили тушунчаси ҳисобланади<sup>16</sup>.

Интернет терминшунослиги тизими ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Терминологияни ўрганиш, терминларнинг образлиқка асосланиш ҳодисаси қонуний эканлиги ҳақидаги фикрга олиб келади. Интернет терминшунослиги хусусиятларига: 1) интернет тушунчаларининг очиклиги; 2) тур ва хилга оид муносабатларнинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниқлиги; 3) эмотив компонентлар билан мураккаблаштирилганлиги; 4) умум истеъмол лексикаси билан генетик боғлиқлиги ва фаол таъсирлашуви; 5) ўзлашмалар қабул қилиш; 6) тезкорлик билан луғат захирасини бойиб бориши кабиларни киритиш мумкин<sup>17</sup>.

<sup>11</sup>Бахтин М. М. Собрание сочинений в т.5. Работы 1940-х – начала 1960-х гг. / ред.: С. Г. Бачаров, Л. А. Гоготшвили; Ин-т мировой лит. – Москва: 1997. – С. 159.

<sup>12</sup>Қаранг: Sager, Juan C.A practical course in terminology processing // Juan C. Sager: with a bibliography by Blaise Nkwenti-Azeh. - Amsterdam. Philadelphia: John Behjamins publishing company, 1990. – P. 2.

<sup>13</sup>Комлева И.Л. Принципы формирования русской компьютерной терминологии: Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – С.16.

<sup>14</sup>Саидқодирова Д.С.Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. Филол.фанлари номзоди...дис.. – Тошкент, 2017. – Б.13; Ходакова А.Г.Системная семантика термина (на материале англоязычных терминов интернета). Автореф... кан. филол. наук. – Тула, 2010. – С.13.

<sup>15</sup>Комлева И.Л. Принципы формирования русской компьютерной терминологии: Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – С.16.

<sup>16</sup>Мокрогуз Е.Д. Компьютерная терминология. (Мақоланинг интернет манзили [cyberleninka.ru/article/n/](http://cyberleninka.ru/article/n/)).

<sup>17</sup>Саидқодирова Д.С. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. Фил.фанлари бўйича фалс. доктори ...дис. – Тошкент, 2017. – С.13.

А.Г.Ходакова: “...интернет терминшунослигини ядро, информатика ва ҳисоблаш техникаси тилининг энг муҳим, ахборий, кодификацияланган қисми сифатида тушуниш керак”<sup>18</sup>, – дея таъкидлайди.

Компьютер ва интернет жараёнини англатувчи мавжуд терминлардаги икки хил ҳолатни кузатиш мумкин:

1) умумистеъмомдаги сўзларга янги (терминологияга оид) маъно юклаш орқали пайдо бўлган терминлар.

2) термин ясовчи аффикслар ва терминологияга оид элемент ёрдамида ясалган терминлар.

Термин ва термин бўлмаган бирлик ўртасидаги чегара кўпинча сўзлар орасида эмас, балки сўзнинг ички структурасида ётади: *боғлагич; тахлам; зичлаш; тўплагич* ва ҳ.к.

Терминологияда махсус профессионал тил сифатида кўриниш берадиган фан ва техника тили ва умумадабий тилнинг муносабати тўғрисидаги масала муҳим аҳамият касб этади.

Компьютер ва интернетдан фойдаланувчилар профессионал мулоқотида икки ҳолат кузатилади:

адабий тилдаги умумий фойдаланишдаги сўзлар (умумилмий лексиканинг умумий қатлампидан фойдаланади);

ноадабий тилдан фойдаланиш (шева, қўпол сўзлар, сленг, жаргон ва ҳ.к.).

Терминологияга оид лексика умумадабий тил билан боғлиқ, зеро у янги тушунчаларни номлаш учун воситалар беради ва амалий термин яшаш воситаларини белгилайди. Профессионал жаргонлар ҳам умумадабий тил каби, ўз навбатида, терминологияга оид лексикадан номахсус мақсадларда фойдаланиш орқали бойитилади.

Адабий тил тизимида профессионал мақсадга йўналтирилган лексика муҳим ўрин тутлади. С.Э.Эркинов: “Махсус тил ҳақида гап кетганда, уларни алоҳида лексик-грамматик тузилишга эга бўлган бирон бир автоном тил тизими тушунилмайди, балки умумий тилнинг махсус соҳага оид қатлами англашинилади. Махсус тилнинг ўзига хослиги эса, унинг маълум бир алоҳида соҳа, касбга оид референтларни аниқ номлайдиган тил бирликларидан иборат эканлигида намоён бўлади”<sup>19</sup>, – деб ёзади. Махсус лексика борасида келтирилган таърифларга таянган ҳолда ҳар бир миллий тилнинг касбий фаолиятда ҳам муҳим ўрин тутиши бу заҳирасининг меъёрлаштирилгани, аниқ вазифани бажариши ва ҳар бир соҳада ўз маъносига эгаллиги билан боғлиқлигида, деб ҳисоблаймиз.

Юқори миқёс ёки меъёр зонаси терминлар ва номенлар ҳамда терминоидлар ва предтерминларни ўз ичига олади. Қуйи миқёсда эса

<sup>18</sup> Ходакова А.Г. Системная семантика термина (на материале англоязычных терминов интернета). Автореф... кан. филол. наук. – Тула, 2010. – С.13.

<sup>19</sup>Эркинов С.Э. Ҳарбий касбга оид лисоний бирликларнинг систем-функционал хусусиятлари (инглиз тили материали асосида). Филол.фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автор. – Самарканд, 2020. – Б. 11.

профессионал жаргонизмлар қўлланади<sup>20</sup>. Бундан ташқари, олим томонидан профессионал тил қўйи миқёсининг яна бир *профессионал содда тил* тоифаси ҳам ажратилади. Бу тил – “тилнинг махсус мақсадларда ишлатиладиган оғзаки, кодификацияланмаган қўлланиш шакли бўлиб, касбий мулоқотда муҳим роль ўйнайди ва ўзига хос ёрқин белгиларга эга”<sup>21</sup>. Жаргонизмлардан профессионал содда тил «аниқ намоён бўлувчи салбий коннотацияли бирликларни кам ишлатилиши билан» фарқланади<sup>22</sup>.

Ғ.Х. Раҳимовнинг “Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари” номли илмий тадқиқотида умумий сленгизм махсус сленгизмга қарама-қарши қўйилади: “...иккала ҳолда ҳам сўзлашув тили лексикаси ва фразеологиясининг муайян қатламлари тушунилади”<sup>23</sup>. Профессионализмларнинг кўпчилиги метафорик ёки метонимик кўчимлар ёрдамида ясалади. Шу боис, терминлардан фарқли ўлароқ, уларга кўпмаънолилик ва семантик ноаниқлик хос<sup>24</sup>. Биринчи типдаги профессионализмлар меъёрий характерга эга бўлиши ва термин тизимининг бир қисми бўлиб қолиши мумкин. Профессионал жаргонизмларда эмоционал бўёқдорлик энг юқори даражага ётади. Бундай бирликлар терминлар билан алоқалари заиф ва кўпинча умумсўзлашувга оид сўзлар маъноларининг қайта ўзгартирилиши натижасида ясалади.

Л.М.Алексеева лексикани махсус мақсадларда терминлар ва терминоидларга ажратишнинг ўзи етарли, деб ҳисоблайди. Бунда у иккинчи гуруҳга *номенлар, профессионализмлар, жаргонизмлар*<sup>25</sup> каби бирликларни киритади. Жаргонизмларда, профессионализмлардан фарқли баҳоловчи компонент ахборий компонентдан устун келади<sup>26</sup>.

Жаргон – “умумхалқ тилидан фарқли (кўпинча экспрессив жиҳатдан қайта анланган), ўзига хос лексикаси ва фразеологияси ҳамда сўз ясовчи воситаларнинг ўзига хос равишда ишлатилиши билан характерланадиган ижтимоий нутқ тури”<sup>27</sup>. Таъкидлаш лозимки, жаргоннинг лисоний моҳияти – сўз ўйини экспрессив, эмоционал бўёққа эга лисоний ифода воситаларини яратиш мақсадида сўз маъноларининг метафоризациялашувида намоён бўлади. Жаргон – бу фақат ўзига хос сунъий ва баъзан шартли сўз ва ибораларга эга бирор бир ижтимоий гуруҳ тили бўлиб, умумхалқ тилидан ўзига хос лексикаси ва фразеологияси билан фарқланувчи ижтимоий нутқ

<sup>20</sup> Фельде О.В. Профессиональные подязыки и терминологии русского языка как объекты научного изучения // Вестник Томского государственного педагогического университета, 2015. - № 4 (157). – С. 181 - 182.

<sup>21</sup> Фельде О.В. Русское профессиональное просторечие в свете теории LSP (language for special purposes) // Вестник Забайкальского государственного университета, 2010. - № 9. – С. 51.

<sup>22</sup> Ўша манба.

<sup>23</sup> Раҳимов Ғ.Х. Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 2006. – Б. 37.

<sup>24</sup> Ўша манба. – С.99.

<sup>25</sup> Алексеева Л.М. Проблемы термина и терминообразования. – Пермь: Издательство Пермского университета, 1998. – С. 15-16.

<sup>26</sup> Елистратова А.А. К проблеме стилистической стратификации спортивной лексики // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2010. - № 1 (5). – С.124.

<sup>27</sup> Никитина Т.Г. Толковый словарь молодежного сленга: Слова, непонятные взрослым. – Москва: Астрель: АСТ, 2003. – С. 4.

туридир. Ижтимоий арго ва жаргонлар ўзбек тилида абдал тили деб ҳам юритилган. Қадимда маддоҳлар ва қаландарлар ўз ниятини бошқалардан яшириш мақсадида ўзлари учунгина тушунарли бўлган абдал тилидан фойдаланган.

Бундан ташқари, бу ижтимоий жаргонлар салбий аҳамият касб этганлиги учун арго деб ҳам номланади. Масалан: *лой, соққа, кусои қуруги* (пул), *хит* (бегона), *туз* (ақлли) кабилар қиморбоз ўғрилар аргосидир<sup>28</sup>.

М.Миртожиев бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: “Жаргон жамоадаги табақаланиш бўйича ўз табақаси ва қарши табақага қўлланадиган терминлардир. Масалан, *аслзода, оқсуяк, ялангоёқ, қорача, хўжа, жаноб, ҳазрати олий* каби терминларини кўрсатиш мумкин”; “Арго маълум соҳа вакиллари томонидан қўлланилиб, бошқалар учун сир тутиладиган терминлардир. Масалан, ўғрилар аргосида пул *лой*, нарсасини ўғирлатган шахс *ҳарф* ва ҳ. к.”<sup>29</sup>.

Д.Н.Сатимова жаргон борасида қуйидаги фикрни келтиради: “Жаргон – қўлланиши касб ёки бошқа тор доирадаги кичик ижтимоий гуруҳ билан чегараланган, умумтилдагидан ўзгача лексик маъно англатувчи, фақатгина ўзи хизмат қилувчи гуруҳдаги касб-кор эгалари ёки табақа вакиллари нутқида уларнинг дидлари ва талаблари ёки касб-корига оид турли тушунчаларни англатувчи оғзаки нутққа хос сўз ва иборалар”<sup>30</sup>.

Жаргон – бу ўхшаш касбий ва маиший шароитларда қизиқишлари умумий бўлган ва ўз вақтларини биргаликда ўтказадиган кишилар орасида юзага келувчи сўзлашув нутқи хусусиятлари мажмуи; у бошқа тил воситаларидан бемеъёрийлиги, ҳаракатчанлиги, қисқа давр ичида ўзгаришга қодир тил воситаларининг каттагина гуруҳи. Жаргон замонавий тилнинг лексик захирасини бойитувчи манба ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўзига хос махсус лексикаси мавжуд бўлиб, унинг асосий хусусиятларидан бири қўлланиш доирасининг чекланганлигидир. Махсус лексика фақат соҳа вакиллари нутқида қўлланилади ва уларнинг ўзига тушунарли бўлади. Масалан, интернет ва компьютер соҳасига тегишли тушунчалар: *жавон, кўз, сичқонча, қути, юзер, қароқчи* ва ҳ.к.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Ўзбек ва инглиз тилларида компьютер ва интернет жаргонларининг шаклланиши ижтимоий - маданий ҳодиса сифатида**” деб номланган бўлиб, унда компьютер ва интернет жаргонларнинг мавзуй гуруҳлари, компьютер - интернет муҳитида жаргонлаштириш ҳодисаси ва жаргонларнинг ясалиш усуллари таҳлилга тортилган.

Компьютер ва интернет терминларининг мавзуй гуруҳлари элементлари бир-бири билан тизимли муносабатларга киришади ва

<sup>28</sup>Амантурдиев А.Ж., Раҳимова З.Ш., Жаргонлар – чегараланган лексик бирлик сифатида. Вухоро davlat universiteti ilmiy axboroti 2019/1 (73). – Б.141-144.

<sup>29</sup>Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: ЎзМУ, 2000. – Б. 54-58.

<sup>30</sup>Сатимова Д.Н. Инглиз ва ўзбек ёшлар сленгининг қиёсий таҳлили. Филол.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автор. – Андижон, 2020. – Б. 11.

жаргонлар ҳосил бўлишига замин яратади. Инглиз тилида компьютер ва интернет жаргонлари ўзбек тилида ҳосил бўлувчи жаргонларга нисбатан мукамалроқ эканлиги аниқланди.

Инглиз ва ўзбек тиллари компьютер ва интернет жаргонлари тизимида турли гуруҳлар ажралади: инсоннинг компьютер билан мулоқотига оид жаргонлар; компьютер носозликлари ва интернет вирусларига оид жаргонлар; аппарат ва дастурий таъминотга оид жаргонлар; интернет жаргонлари.

Тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларида яққол намоён бўладиган компьютер ва интернет жаргонларининг турли жиҳатлари таҳлилини таъминлаш мақсадида юқорида келтирилган мавзуй таснифлар асосида умумлаштирилган тасниф ишлаб чиқилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, инглиз ва ўзбек тили жарғонида айнан юқорида эслатилган мавзуй гуруҳлар лексикаси кенг тақдим этилган:

1) компьютер мосламаларига оид жаргонлар: ингл.: *system block, winchester, computer mouse, mother board, disk*; ўзб.: *бандура, аппарат, банка, тачка, арқон, боғлагич, ўтказма, чўнтак, дисковод, каламуш, латта, она, қуймоқ, мия, тош* ва ҳ.к.

2) дастурий ва аппарат таъминотига оид жаргонлар: ингл. *Glitch, Scratch, Python, browser*; ўзб.: *чўнтак, питон* ва ҳ.к.

3) компьютер ва интернет фойдаланувчиларига оид жаргонлар: ингл.: *Turbo-Pascal; hacker; samurai; script kiddie; noob*; ўзб.: *юзер, усер; хакер; самурай; чойнак; хатчўпчи; зўравон; нуб* ва ҳ.к.

4) компьютерда ишлаш жараёнига оид жаргонлар: ингл.: *Dogwash; bug; ban; hung*; ўзб.: *дурдос; терма; бузғунчи; қотма; глюкало*; ва ҳ.к.

5) компьютер вирусларига оид жаргонлар: ингл.: *Trojan horse, worm*; ўзб.: *қўнғиз, қурт; чувалчанг; гижжа; троянва* ҳ.к.

6) Жаҳон тўрига оид жаргонлар: ингл.: *Mail storm; M8 – mate; 2nite – tonight; G2G; Share ; Save; Report*; ўзб.: *тўр; халта* ва ҳ.к.

Аппарат таъминотининг сифати, унинг *функционаллиги* ва замонавийлиги билан баҳоланади, бу эса қуйидаги мисоллардан кўринади: *қийшиқ* = *букланган темир*, *глюкало* – “ёмон ишлайдиган аппарат таъминоти”, *baroque* – “бесўнақай” (дастурий таъминот ҳақида), *steam-powered iron* – “эскирган, лекин ишончли ускуна”, *tired iron; металллом, ўтин* “эскирган ускуна”.

Баҳоловчи жаргонлардан ташқари, бу гуруҳда экспрессив бирликлар қайд этилган бўлиб, бу сўз ўйини натижаси ҳисобланади, улар жаргон соҳибларининг оддий номларга ёрқинлик ва янгилик беришга интилишини акс эттиради: инглиз тилида *toaster, tree-killer* ўзбек тилида *периферияли ускуна, дарахт қотили (принтер)* жарғони.

Асбоб-ускуналар, деталларнинг номларини, шунингдек компьютернинг асосий қисмлари: *кўз – монитор; проц – процессор; карлсон – вентилятор (компьютер учун совуткич); винт – винчестер (қаттиқ диск – ахборот ташувчи); педаль – клавиатура; арқон, ип, илон – сим* ва ҳ.к.



Шунингдек, ушбу гуруҳда буйруқлар ва файллар учун жаргонда юмористик номлар қўлланиши аниқланди, уларнинг семантикаси ҳазиломус тусни ифодалайди. Масалан, *tarball* – “кенгайишли tar файллар архиви”, *гифчик* – “кенгайишли gif файли”, *three-finger salute*; *bit-bucket* – *сават* ва ҳ.к.

Инглиз ва ўзбек тилларида компьютер ва интернет жаргонлари компьютер вируси мезони бўйича қуйидагича табақалашади:

а) бегона тизимларни бузиб кирувчиларга оид жаргонлар: ингл.: *dark-side hacker* – жиноятчи бузғунчи, *samurai* – қонуний бузғунчи. Бу гуруҳ элементлари турли баҳоловчи коннотацияга эга, маъқулловчи *samurai* коннотациядан салбий *dark-side hacker* ва нафратли *script kiddie* коннотациягача бўлиши мумкин; ўзб.: *хакер* – жиноятчи, бузғунчи, самурай – дастурни қонуний тарзда бузиб кирадиган инсон, *неохакер* – ўз фаолияти учун тайёр дастурлардан фойдаланадиган тажрибасиз бузғунчилар;

б) тизимни бузиб кириш учун мўлжалланган дастурларга оид жаргонлар: ингл.: *sniffers*, *exploits*, *attacks*, *icebreakers* – дастурлар орасидаги фарқлар, уларнинг мақсади ва бегона тармоқ соҳаси ёки тизимга киритиш усулидан иборат; ўзб.: *фомка*, *ломик*, *фрикинг*;

в) киришни амалга ошириш ва тизимга зарар етказиш усулларига оид жаргонлар: ингл.: *social engineering*, *team attack crashing a kernel*, *smashing a stack*, *getting root*; ўзб.: *ҳужумчи*, *бузғунчи*, *атак* ва ҳ.к.

г) компьютер вирусларига оид жаргонлар: ингл.: *Trojan horse*, *worm*; ўзб.: *троян*, *қурт*, *мараз*, *гижжа* ва ҳ.к.

Энг тез тарқалиб бораётган таҳдидлардан бирига айланган *Storm Trojan* вируси – *Троян довули*; *Троян бўрони* деб номланади.

Инглиз ва ўзбек тилларида компьютер ўйинларини жаргонлар орқали номланишининг қуйидаги усуллари мавжудлиги аниқланди:

Лексик усул: а) махсус лексик бирликларни мавжудлиги: ингл. *top*, *mid*, *bottom* (*bot*) – ўзб.: *юқори*, *ўрта* ва *пастки/қўйи* (бот); б) семантик торайиш ва кенгайиш: ингл. *defend* – ўзб. *ҳимоя* (рақибдан ҳимоя маъносини беради); в) қисқартмалар ва аббревиатуралар. Қисқартмалар асосан ўйин артефактларининг узун номларини қулай тарзда қўллаш учун ишлатилади: ингл. *Infinity Edge* - *IE 1* – ўзб. *чексизлик/чексиз чегара*; ингл. *dungeon* – ўзб. *зиндон*.

Лексик-грамматик усул: жаргон ясалишида номорфологик усул (конверсия): ингл.: *push* – ўзб.: *пушка* жаргони икки маънода қўлланилади – 1. чизик бўйлаб тезкорлик; 2. биноларни йўқ қилиш. Инглиз тилида *Drop* жаргони ўзбек тилида *жазо*, *дропка* тарзида ишлатилади ва монстр ва босслар (хўжайин)нинг ўлими юз берган жойда предметларнинг пайдо бўлиши.

Синтактик усул: а) эллиптик (олмошларнинг туширилиб қолдирилиши ва ҳ.к.) “*mid no f*” (*The midlaner has no flash*) – “ўрта чизикдаги ўйинчи сакрашга имкони йўқ” маъносида келади; б) аббревиатурада сўз бирикмалари ва жумлаларнинг қисқариши. “*Need gang top*” (*I need someone to gang the toplane*) – ўзбек тилида *муҳтожлик* жаргони орқали ифодаланади ва “менга олдинги қаторда ёрдамга муҳтожман” маъносини ифодалайди.

Ушбу тадқиқотда нафақат маълум бир минтақадаги жаргон бирлигини ўзлаштириш, балки унинг маҳаллий лексик ва семантик вариантлари ҳам таҳлилга тортилган.

Ишда ТАТУ Самарқанд филиали талабалари, компьютер мутахассислари, дастурчилар билан олиб борилган лингвистик тажриба бўйича (сўровнома) маълумотлар келтирилган. Тажриба 3 босқичда ўтказилган: 1) материални танлаб олиш; 2) сўровнома ўтказиш; 3) социолингвистик таҳлил.

Биринчи босқичда компьютер ва интернет жаргонларини қўлловчилар ҳақида маълумотлар олинди. Бунинг учун 120 нафардан ортиқ талаба иштирокида сўровнома ўтказилди. Тажрибада иштирок этганлардан иложи борича кўпроқ компьютер ва интернетга тааллуқли бўлган жаргонлар ва уларнинг талқинларини ёзиш ҳамда ушбу сўзларнинг нутқда ишлатилишига мисоллар ҳам келтириш сўралган. Бунинг учун, биз ахборот берувчиларнинг лингвистик билимига мурожаат қилдик. Бундай ҳолда, биз информаторлар томонидан берилган барча сўзлар ва ибораларни жаргон деб ҳисоблаймиз. Ахборот берувчилар луғатларда мавжуд birlikларнинг бошқа шаклига боғлиқ бўлган ибораларни ишлатган тақдирда ҳам, улар қандайдир тарзда унинг мазмунини ўзгартирадilar.

Сўз ва ибораларнинг жаргонли коннотациясини таърифлашда қуйидаги мезонларга таяндик:

1) жаргон луғатларда умуман қайд этилмаган ёки чекланган микдордаги ёзувларда қайд этилган;

2) жаргон луғатларда учрамайди, яъни жаргон учун одатий бўлган ўтиш ҳодисаси эмас.

Натижада, анкета ва тажриба учун материалга *бомба, бабос, булка, қамоқ пакети, бот, виндовс, таёқ* каби сўзлар киритилди.

2. Сўровномада 120 та талаба ҳар бир мутахассисликдан 45 киши (дастурчилар, компьютер мутахассислари ва бошқалар) респондент сифатида қатнашди. Тажриба иштирокчиларидан жаргонларнинг таърифларини (содда талқинлари) бериш сўралди, шу билан бирга, бу сўзлар компьютер ва интернет жаргонлари эканлигини таъкидладilar.

Тажриба давомида жаргонларни қўллаш борасида қуйидагилар аниқланди: 1. Меъёрий профессионал жаргонлар. 2. Номеъёрий жаргонлар.

**Сўровнома натижалари.** Информантлар берилган 60 та сўзга 142 та ҳар хил маъно изоҳини беришди, яъни баъзи бир сўзларнинг бир эмас, балки бир нечта маънолари қайд этилди. Натижада 60 та сўздан 22 таси бир маъноли деб эътироф қилинди. Информантлар жавоблари 2 тоифага бўлинди: **меъёрий жаргонлар:** *винт, комп, админ;* **номеъёрий жаргонлар:** *илон, гижжа, башара.*

Жаргонларнинг маълумлик даражаси сўровнома натижаларига кўра аниқланди, унда информаторлардан компьютер жаргони сўз бойлиги бўйича фаол ва пассив билимларини баҳолаш талаб этилди. Сўровнома давомида олинган маълумотларни қиёслаш учун интервал шкаласи киритилди ва ҳар бир сўз учун маълумлик кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилди.

Компьютер ва интернет жаргонлари асосан таржима йўли билан шаклланиши аниқланди. Бунда ўзбек тили учун инглиз тилига қараганда рус тили етакчи эканлиги аниқланди.

Ўзбек тилида умумистеъмол сўзлардан соҳавий жаргонларни шаклланиши кузатилади ва улар ўз маъноларини ўзгартириб, жаргон сифатида ишлатилади: *сичқон, кучукча, қурт, ҳайвон, бурун, панжа, кўприк* ва ҳ.к.

Инглиз ва ўзбек тилларининг терминологияга хос хусусияти шундан иборатки, сўз ясаш кўпроқ профессионализмлар ва жаргонизмлар майдонида содир бўлади. Бунда жаргонлар турли хил сўз ясовчи воситалар ёрдамида шаклланиши алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида компьютер ва интернет жаргонлари қуйидаги усуллар билан ясашиши аниқланди.

Компьютер ва интернет жаргонлари **рақам ва қисқартмалар иштирокида** ҳам шаклланиши кузатилади: **P + Абв.** 1GL – (*First Generation Language*) – ўзбек тилида *биринчи авлод тили* деб номланади, лекин мутахассислар тилида 1GL варианты қўлланилади, унинг синоними *машина тили*; 2GL –ўзбек тилида *иккинчи авлод тили* деб номланган синоними сифатида *Ассемблер тили жаргони учрайди ва бу жаргон* тушунчалари компьютер архитектурасини акс эттирадиган қуйи поғона дастурлаш тилини билдиради.

Инглиз тилида қуйидаги аффиксация усулида ясалган жаргонлар мавжуд: *hacker; kludgy; Internetese; hackerese; hackish; hackishness; froggy (program); hacking; crockhood; crockish; crocky; chunking; smiley gobbler; router* ва ҳ.к.

Замонавий инглиз тилида кенг истеъмолда бўлган **суффикслар** - *ing, -y, -ee, -ist, -er, -ette, ed,- tion* ва ҳ.к.; ҳамда *anti-, super-, pro-, mis-, re-* префиксларини келтириш мумкин. Ушбу аффикслар ёрдамида янги сўзлар ясалади.

**Суффикслар орасида** отларни ясаш учун энг кўп қўлланиладиганлари: -er: *gobbler* – барча кирувчи линияларни бўш ҳолатга қўядиган элемент; “*router*” – икки ва ундан кўпроқ тармоқларни бирлаштирувчи тизим; *hacker*-жаргони жуда кенг маъноларда қўлланилади, асосан, рухсатсиз ва лицензиясиз бошқа компьютер дастурларига кирадиган, бузадиган ёки ёзиб оладиган фойдаланувчиларни билдиради.

Шунингдек, *Internetese* – *Internet* сўзидан олинган ҳосила; *crockhood* – гигантизм, бесўнақайлик; *crocky* – нозик, ўзгаришлардан қўрқадиган; *smiley* – символ-белги каби жаргонлар ҳам суффикслар ёрдамида ясалган.

Ўзбек тилида **-чи,- лаиш, -ловчи, -иш** каби суффикслар орқали ясалган компьютер ва интернет жаргонлари учрайди. **-чи:** *комбаянчи* – доимий равишда FPSH (*First Person Shooter*) ўйинларида клавиатурадан фойдаланувчи; *ёзувчи* – CD ёзувчиси (CD-RW); *баннерчи* – хизматчи баннерларини жойлаштириш билан шуғулланадиган инсон; *кемирувчи* – компьютер сичқончаси; **- лаиш:** *бутитлаиш, юклаиш* – компьютерни қайта ўчириб ёқиш; *таъмирлаиш* – қайта тиклаш; *бекаплаиш* – заҳира нусхасини

яратиш; *янгилаш, янгиланиш* - Yandex ёки Googleни янгиланиши; – *иш*: *кириш, киритиш* – ахборотни киритиш қурилмаси; *кесиш* икки маънода қўлланилади: 1) дискларга ёқиш; *ўрнатиш*; 2) дастурни ўрнатиш; *учиш*: парвоз симулятори; *кўпиклантириш* - электрон почта орқали хабар юбориш. **гич**: *ковлагич, покинг* – Corel Draw векторли графикалари билан ишлаш муҳаррири; *глитлагич* – хатолар билан ишлаш (компьютер дастури, скрипт ҳақида).– ўзбек тилида бир неча маънони беради: *компьютер полицияси, киберполиция, киберайгоқчи, кибердетектив, киберкоп* (онлайнда жиноят ва таъқиб қилишларни тергов қилувчи шахс).

